

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 15 октябрь, № 220 (8000) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг видеоанжуман шаклидаги навбатдан ташқари йиғилишида иштирок этди.**






Тадбир Ўзбекистон 2020 йил декабрь ойида Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳузуридаги кузатувчи давлат мақомини олганидан буён ушбу интеграциявий бирлашманинг давлатимиз раҳбари иштирокида ўтган учинчи саммити бўлди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган саммитда Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, ЕОИИ ҳузуридаги кузатувчи мамлакат — Куба Республикаси Президенти Мигель Бермудес ва Евроосиё иқтисодий комиссияси Ҳайъати раиси Михаил Мясникович қатнашди.

Йиғилиш кун тартибидан кўп томонлама иқтисодий шерикликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, савдо, саноат кооперацияси, транспорт-транзит салоҳиятини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, рақамлаштириш, “яшил иқтисодиёт” ва бошқа устувор йўналишлар бўйича амалий ҳамкорликни илгари суриш масалалари ўрин олди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистоннинг табиий савдо ва иқтисодий ҳамкорлари — ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Хусусан, пандемия шароитларида мамлакатимизнинг ташкилотга аъзо давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажми барқарор ортиб бораётгани таъкидланди. Евроосиё иқтисодий комиссияси билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилди, қўшма Ишчи гуруҳ ўз фаолиятини бошлади. Бундан ташқари, Евроосиё тараққиёт банки билан ҳамкорлик бўйича истиқболли лойиҳалар тайёрланмоқда.

Савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш муҳим эканини алоҳида қайд этиб, Ўзбекистон етакчиси ўзаро савдода мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, техник регламент ва стандартларни уйғунлаштириш, божхона тартиботларини рақамлаштириш бўйича қўшма “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш таклифини илгари сурди.

Ўзбекистон саноат кооперациясини чуқурлаштириш орқали минтақалараро қўшилган қиймат занжирларини яратишда ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор экани қайд этилди. Тошкент шаҳрида ҳар йили “Иннопром — Марказий Осиё” саноат форумининг ўтказилиши бунинг учун янги имкониятлар очади.

Президентимиз миллий иқтисодиётларнинг барқарор ривожланишида муҳим омил сифатида транспорт йўлаклари тармоғи ва логистика инфратузилмасини такомиллаштириш муҳим эканига эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон томонидан Россия ва Қозоғистон билан биргаликда йўлга қўйилаётган зарур товарларни тез фурсатда ўзаро етказиб бериш бўйича “Агроэкспресс” лойиҳасига қўшилишга таклиф этди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларининг алоҳида долзарб аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Президенти бу борадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва қўшма ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш орқали соҳадаги ҳамкорликнинг янги нуқталарини излаш муҳим эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз ЕОИИ доирасидаги рақамли трансформация жараёнларида иштирок этиш, амалий тажриба алмашиш ва илғор технологияларнинг ўзаро трансферидан манфаатдор экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари экология масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича ўзаро мувофиқлашган чоралар зарур эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти ҳамкор мамлакатларни Оролбўйида экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудини яратиш бўйича қўшма лойиҳаларда фаол иштирок этишга чақирди ҳамда келгуси йил сентябрь ойида Нукус шаҳрида ўтказиладиган “Яшил энергетика” бўйича халқаро форумга таклиф этди.

Бундан ташқари, бирлашма доирасида яратилган Иқлим масалалари бўйича юқори даражадаги ишчи гуруҳ билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ташаббуси илгари сурилди.

Ўзбекистон етакчиси сўзининг якунида саммит якунлари ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва яқин шерикликни илгари суришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

---

24 OKTABR 2021-YIL O‘ZBEKISTON PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Алишер Қодировнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган кўплаб устувор йўналишларга оид мақола чоп этиляпти.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.


**2-саҳифага қаранг.**


---

Евроосиё аёллар форуми:

## ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧУН ҲАР ТОМОНЛАМА МАНФААТЛИ БЎЛМОҚДА

*Аввал хабар берилганидек, шу кунларда Санкт-Петербург шаҳрида Учинчи Евроосиё аёллар форуми бўлиб ўтмоқда. Ушбу нуфузли анжуманда Олий Мажлис Сенати Раиси, Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этмоқда. Муҳими, форум доирасида уюштирилаётган турли тадбир ва учрашувлар Ўзбекистон делегацияси учун ҳар томонлама манфаатли бўлмоқда.*

### Ҳамкорлик

**Стратегик ва эксперт сессиялари, мунозара майдончалари, бизнес учрашувлари ташкил этилди**

Жорий йил 14 октябрда Учинчи Евроосиё аёллар форумининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Унинг сўзларига кўра, Евроосиё аёллар форуми нуфузли халқаро платформалар орасида муносиб ўрин эгаллади. Форумнинг БРИКС ташкилоти, Осиё — Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги, ЮНИДО (Халқаро саноат ҳамкорлиги маркази), “Аёллар йигирматалиги” каби уюшмалар билан ўзаро алоқалари тобора кенгайиб бормоқда.

В. Путиннинг таъкидлашича, замонавий, мунтазам равишда ўзгариб бораётган дунё жамият ва давлатлар олдига янги вазифалар қўймоқда. Уларни ҳал қилишда аёллар тобора муҳим роль ўйнаяпти.


➔ 3


---

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 16 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 30 сентябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Сиёсий партиялар тўғрисида»**ги 337–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637, 640-моддалар; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 588-модда, № 10, 674-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 203-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **$14^2$-моддаси** чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»**ги 704–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 588-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги мазмундаги **$9^4$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$9^4$-модда. Депутатнинг ёрдамчиси**

Депутат ўзини депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқасини сақлаб туриш ҳамда ўз сайлов округидаги фаолиятини самарали ташкил этиш учун ёрдамчига эга бўлишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқароси депутатнинг ёрдамчиси бўлиши мумкин.

Қуйидаги шахслар депутатнинг ёрдамчиси бўлиши мумкин эмас, агар:

тегишли депутат билан яқин қариндош (ота-она, ака-ука, опа-сингил, фарзанд, эр-хотин, шунингдек эр-хотинларнинг ота-онаси, ака-укаси ва опа-синглиси) бўлса;


**(Давоми 3-бетда).**


---

Сенатнинг ялпи мажлиси олдидан

## БАРЧА МАСАЛАЛАР ҚЎМИТАЛАРДА ҚИЗҒИН КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

*Аввал хабар берилганидек, шу йил 20 октябрда ўз ишини бошлайдиган Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида бир қатор қонунлар кўриб чиқилиши режалаштирилган.*

Бундан ташқари, Бош вазир ўринбосарининг етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган болаларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш юзасидан ахбороти ҳамда “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг фаолияти, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг кўп квартирали уй-жойларга хизмат кўрсатиш ҳолати, жумладан, бошқарув компанияларининг фаолияти юзасидан ахборотлари эшитилади. Шунингдек, кун тартибидан яна қатор масалалар ўрин олган.

Айни пайтда ушбу масалаларнинг ҳар бири парламент юқори палатаси қўмиталарида қизғин тарзда кўриб чиқилмоқда.

* * *

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси йиғилишида ялпи мажлис кун тартибига киритилган “Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида”-ги, “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги, “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”-ги, “Музейлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.


➔ 4


---

Қонунчилик палатасида

## МЕҲНАТ СОҲАСИДА ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК ИНСТИТУТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.*

Қонун лойиҳасида бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқиш каби нормалар ўз аксини топган.

Лойиҳани такомиллаштириш жараёнида 50 дан ортиқ моддалар зарур нормалар билан тўлдирилди, 34 та модда, 60 га яқин моддадаги бандлар чиқариб ташланиб, кодексга 5 та янги модда қўшилди. Қонун лойиҳасидаги чиқариб ташланган моддаларнинг аксарият қисми ҳуқуқни қўллаш амалиётида коррупцияни келтириб чиқариши туфайли шу қарорга келинди.

Масалан, қонун лойиҳасининг 33-бобидаги меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши бошқарувнинг асосий принципларига бағишланган моддадаги нормалар, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунларда тўлиқ акс этганлиги боис чиқариб ташланди.

Худди шу каби, қонун лойиҳасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва меҳнат ҳуқуқи нормаларини ўз ичига олган бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан идоравий бошқарув (назорат), давлат меҳнат инспекциясининг асосий вазифалари ва ҳуқуқлари, давлат меҳнат инспекцияси мансабдор шахсларининг асосий вазифаларига бағишланган моддалардаги ҳуқуқий нормалар амалдаги қонунларда тўлиқ ўз аксини топгани ҳамда қонун лойиҳасини тартибга солиш доирасига кирмаслиги сабабли ишчи гуруҳ томонидан муҳокама жараёнида чиқариб ташланди.


➔ 3

# МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ ВА ШАРҚ ТАМАДДУНИ

*Эртанги фаровон ҳаётимиз, барқарор тараққиётимиз, тинчлик ва хотиржамлигимизни кафолатловчи муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида турибмиз. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, кейинги беш йилликда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ, хусусан, сайлов тизимини янада либераллаштириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Сайловлар бўйича ўзига хос тажриба яратилди. Энг асосийси, миллий сайлов қонунчилигимиз янги сифат босқичига кўтарилди.*

24 OKTABR 2021-YIL O'ZBEKISTON PREZIDENTI SAYLOVI





Мамлакатимизда Президент сайлови жараёнлари илк бор яхлит битта ҳужжат, яъни 2019 йил 25 июнда қабул қилинган Сайлов кодекси талаблари асосида ўтказилмоқда.

Элликдан ортиқ ривожланган давлатлар тажрибаси, ушбу соҳадаги илмий тадқиқотлар, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Венеция комиссияси сингари нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан билдирилган тавсияларни ҳисобга олган ҳолда 5 та қонун ва ўнлаб қонуности ҳужжатларни бирлаштирган янги кодекс бир мақсадга — янги Ўзбекистонда демократия барқарорлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

“Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам сайлов кампанияси ва сайловолди ташвиқотини ана шу муҳим ҳужжат талаблари асосида олиб бормоқда.

Партия Президентлик сайловига жиддий тайёргарлик кўрди. Президентликка номзоднинг 5 та устувор йўналишни қамраб олган Сайловолди дастури ишлаб чиқилди. Дастурда таълим ва тарбия, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

> “Элликдан ортиқ ривожланган давлатлар тажрибаси, ушбу соҳадаги илмий тадқиқотлар, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Венеция комиссияси сингари нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан билдирилган тавсияларни ҳисобга олган ҳолда 5 та қонун ва ўнлаб қонуности ҳужжатларни бирлаштирган янги кодекс бир мақсадга — янги Ўзбекистонда демократия барқарорлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.”

Асрлар давомида шаклланган, йилдан-йилга сайқалланиб бораётган маданий меросимиз бутун жозибаси билан дунё халқларини ҳам ўзига ром этмоқда. Ушбу меросни асраб-авайлаш, ривожлантириш, тарғиб қилиш, халқаро маданий макондаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш муҳим вазифа. Партиямизнинг дастурий мақсадларидан бири бўлган бу йўналишда амалга ошириладиган ишлар Сайловолди дастурида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси соҳада олиб борилаётган ишларни тизимли ташкил этишда муҳим дастуриламал бўлаётир. Мазкур ҳужжат асосида моддий ва номоддий маданий мерос объектларини аниқлаш, давлат муҳофазасига олиш, асраб-авайлаш, сайёҳлик йўналишларига киритиш, ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий ва номоддий маданий мероси рўйхатига киритиш бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқилди.

Мамлакатимиз ҳудудида 8 мингдан зиёд моддий маданий мерос объектлари мавжуд. Уларнинг 4 минг 367 таси археология ёдгорликлари, 2 минг 96 таси архитектура ёдгорликлари ҳисобланади. Айни пайтда “йўл хариталари” асосида улардан айримлари ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Жумладан, Ичан қалъа, Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий қисми, Самарқанд — цивилизациялар чорраҳаси объектлари моддий, Бойсун маданий муҳити, Шашмақом, Катта ашула, Аския — ақл-идрок санъати, Наврўз, Палов тайёрлаш маданияти ва урф-одати, Марғилон ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази, атлас ва адрас матоларини тўқишнинг анъанавий технологияси, Хоразм лазгиси номоддий маданий мерос рўйхатига олинган.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасидаги “Саҳродаги қасрлар”, Жиззах вилоятидаги “Хонбанди”, Навоий вилоятидаги Сармишсой қоятош расмлари, Сурхондарёдаги Зараутсой қоятош расмлари, Қадимий Термиз объектларини ЮНЕСКО рўйхатига киритиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Буюк Ипак йўлининг мамлакатимиздан ўтган қисми — “Ипак йўли: Фарғона — Сирдарё ҳавзаси”, “Ипак йўли: Зарафшон — Қорақум” йўналишлари бўйича ҳам ишлар давом этаётир. Эътибор қаратилса, мазкур йўналишлар юртимиз ҳудудидаги кўплаб моддий маданий мерос объектларини қамраб олади.

Номоддий маданий мерос ҳақида гап кетганда, олтмишдан зиёд, хусусан, қўбиз ижрочилиги, бахши санъати, этноспорт, ёғоч ўймакорлиги санъати, халфачилик, ўзбек жанг санъати, Риштон кулолчилик мактаби, Ўзбекистон ва Тожикистон анъанавий халқ ўйинлари, Марказий Осиё анъанавий каштачилиги, Рубоб ясаш ва ижрочилик анъаналари, Хўжа Насриддин ҳажвияларини айтиш анъаналари номзод сифатида киритилганини айтиш мумкин.

Маълумки, “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз мақсади ва белгилаб олган устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг қадимий шаҳар ва қишлоқлари тарихий қиёфасини муҳофаза қилиш, инсониятнинг маданий мероси бўлган тарихий қадамжолар, архитектура ёдгорликларини сақлаш ва қайта тиклаш мақсадида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар олиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, маданий меросимиз миллий ўзига хослигимизнинг юзи бўлиши билан бирга, ёш авлодни аждодлар руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этади. Миллий бойликларимизни тарғиб қилиш нафақат туризмни ривожлантириш, балки миллатлараро маънавий яқинликни таъминлаш, маданий ҳамкорлик ривожида ҳам бирламчи омил ҳисобланади.

Ўз дастурий вазифаларимиздан келиб чиқиб ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий ва номоддий маданий мероси рўйхатига ҳамда сайёҳлик йўналишларига киритиш учун номзод бўлиши мумкин бўлган объектлар ўрганилмоқда. Ушбу амалиёт асосида ҳудудларда мавжуд бўлган бир қатор моддий ва номоддий объектлар рўйхати шакллантирилган.

Асосий таклифларимиз эса тегишли тартибда мутасадди идоралар орқали ЮНЕСКОга тақдим этилаётир. Шундай бўлса-да, жойлардан қайта ва қайта таклифлар берилиши одамларимизнинг маданий меросимиз тақдирига бефарқ эмаслигини ва бу борадаги фаолиятимизни янада жонлантириш зарурлигини кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, “Ипак йўли: Фарғона — Сирдарё ҳавзаси”, “Ипак йўли: Зарафшон — Қорақум”, “Саҳродаги қасрлар”, “Хонбанди”, Қадимий Термиз номзодлари ўзида Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги тарихий-маданий меросимизнинг кўплаб объектларини қамраб олади.



Эътибордан четда қолаётган объектлар рўйхатини тузиш, уларни рўйхатга олиш, тарихийлиги ва аҳамиятини асослаш ишларини давом эттириш мақсадида фаолларимиз томонидан олиб борилган ўрганишлар биз учун умуман номаълум бўлган янги номзодлар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда.

Бўстонлиқ туманидаги Хўжакент ғори ва ундаги ёзувлар, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги Сийпантош петроглифлари, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги Сангардак шаршараси моддий ва табиат объектлари, сумалак тайёрлаш — халқ сайли, келинсалом — миллий удум, “Андижон полкаси” — миллий шиддат намунаси, терма — инсон ва табиат бирлиги, ҳунармандчилик — Самарқанд қоғозини тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари, доира ясаш услублари ва ижро маҳоратлари, карнай садолари — байрамлар жарчиси, най наволари — мозий садолари, дўппи тикиш услублари ва дўппи кийишнинг ўзига хос ҳудудий анъаналари, алла айтиш анъаналари номли номоддий маданий мерос объектлари шулар жумласидандир.

> “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси соҳада олиб борилаётган ишларни тизимли ташкил этишда муҳим дастуриламал бўлаётир. Мазкур ҳужжат асосида моддий ва номоддий маданий мерос объектларини аниқлаш, давлат муҳофазасига олиш, асраб-авайлаш, сайёҳлик йўналишларига киритиш, ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий ва номоддий маданий мероси рўйхатига киритиш бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқилди.”

Кейинги йилларда ўрганишлар асосида бир қатор моддий маданий мерос объектларини сайёҳлик йўналишларига киритиш бўйича таклифлар ҳам тайёрланди. Таъкидлаш лозимки, бу борада ҳали олдимизда жудда катта ишлар турибди. Биринчи навбатда, тарихий-маданий меросимизга, табиий ҳудудларга янгича назар билан қарашимиз лозим бўлади.

Умуман, халқимиз орасида асраб-авайланаётган моддий ва номоддий меросни аниқлашга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Ана шунда асрлар оша қадриятларимизни ўзида жо этган меросимиз тарихдан садо берганча ўзининг бутун бўй-бастини намоён этади. Бу эса бизга ўзлигимизни, ўзимизга хослигимизни эслатиб турадиган асосий омиллардандир.

Президент сайлови арафасида партиямиз фаоллари, маҳаллий Кенгашлардаги 1 минг 300 дан ортиқ депутатлар корпуси номзодимиз ташвиқоти фонида яна бир бор “Миллий тикланиш” демократик партиясининг асл мақсад ва муддаоларини аҳолига кенг тушунтирмоқда.

Шу боис партиямиздан Президентликка номзод билан жойларда ўтказилаётган учрашув ва мулоқотларда моддий ва номоддий маданий меросни чуқур ўрганиш, асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш, тарғиботини кучайтириш, уларнинг консервация ҳамда реставрациясига алоҳида эътибор қаратиш масалалари кенг муҳокама этилаётир.

**Дониёр ТОШБОЕВ,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи.**

**«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АЛИШЕР ҚОДИРОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

у қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган бўлса.

Депутатнинг ёрдамчисига Қонунчилик палатаси томонидан хизмат гувоҳномаси белгиланган тартибда берилади.

Депутатнинг ёрдамчиси:

депутатнинг уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия, унинг тегишли сайлов округидаги ҳудудий бўлими ҳамда сайловчилар билан самарали алоқа ўрнатишига кўмаклашади;

сайлов округида жисмоний ва юридик шахслардан депутат номига келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олади ва бу ҳақда депутатни хабардор қилади;

жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини депутат томонидан қабул қилинишига, шунингдек депутатнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади;

сайлов округи ҳудудида депутатнинг ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ ишларни депутатнинг топшириғига кўра ташкил этади;

округ сайловчиларини депутатнинг фаолияти тўғрисида хабардор қилади;

депутатнинг мурожаатларини, сўровларини тайёрлашда ҳамда сайлов округида депутат томонидан жисмоний ва юридик шахслардан олинган мурожаатлар кўриб чиқилишида иштирок этади, мурожаатларда баён этилган масалаларни ўрганади;

депутатнинг ўз ваколатларини амалга оширишга доир бошқа топшириқларини бажаради.

Депутат ёрдамчисининг ишини ташкил этиш учун сиёсий партия томонидан тегишли сайлов округида сиёсий партиянинг ҳудудий бўлимида хона ажратилади.

Депутатнинг ёрдамчисини ишга қабул қилиш депутатнинг тақдимномасига кўра амалга оширилади.

Депутатнинг ёрдамчиси депутатнинг ваколатлари даврига тузиладиган муддатли меҳнат шартномаси асосида ишлайди. Муддатли меҳнат шартномаси депутатнинг ёрдамчиси ва сиёсий партиянинг тегишли раҳбари ўртасида тузилади.

Депутатнинг ёрдамчиси билан тузилган муддатли меҳнат шартномаси депутатнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда тугатилиши мумкин.

Депутат ёрдамчисининг меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек унга кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган тартибда сиёсий партия маблағлари ҳисобидан амалга оширилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил,1-сонга илова; 2017 йил № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **329-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

**тўртинчи қисмидаги** «ўнинчи» деган сўз «ўн биринчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товарларни импорт қилиш билан уч йилдан ортиқ вақтдан буён шуғулланаётган, божхона тўловлари бўйича мажбуриятларини яхши (ёки ўз вақтида) бажариб келган, лекин молиявий аҳволига кўра тўловларни белгиланган муддатда тўлаш имкониятига эга бўлмаган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади. Бунда божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти охирги уч йил давомида тўланган божхона тўловлари суммасининг эллик фоизидан ошмайдиган сумма миқдорида, олти ой муддатга божхона тўловларини таъминлаш қўлланилмаган ҳолда берилиши мумкин»;

**ўнинчи қисми ўн биринчи қисм** деб ҳисоблансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **99-модда биринчи қисмининг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) ушбу Кодекс 17-моддаси биринчи қисмининг 1 – 5-бандларида кўрсатилган солиқлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (бундан ушбу қисмнинг 3-бандида ва ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно). Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу Кодекснинг 17-моддасида кўрсатилган солиқларни, шунингдек айланмадан олинадиган солиқни ушбу бобда назарда тутилган тартибда мол-мулкни гаровга бермаган ҳолда, кафилликсиз ёки банк кафолатисиз бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этишга (бундан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ижтимоий солиқ, тўлов манбаида олинадиган фойда солиғи ҳамда солиқ агенти сифатида тўланадиган қўшилган қиймат солиғи мустасно) ҳам ҳақли»;

2) **100-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **$3^1$-банд** билан тўлдирилсин:

«$3^1$) манфаатдор шахс фаолиятни уч йилдан ортиқ вақтдан буён амалга ошираётганлиги ҳамда ҳисобланган солиқларни ўз вақтида тўлаб келганлиги, аммо молиявий аҳволига кўра солиқ қарзини белгиланган муддатларда тўлаш имкониятига эга бўлмаганлиги»;

3) **101-модда**:

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекс 100-моддаси иккинчи қисмининг $3^1$-бандида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, манфаатдор шахснинг аризасига мувофиқ солиқни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади. Бунда ушбу қисмда назарда тутилган тартибда тўланадиган солиқ суммаси охирги уч йил давомида тўланган солиқлар суммасининг эллик фоизидан ошмаслиги керак»;

**ўнинчи – йигирманчи қисмлари** тегишинча **ўн биринчи – йигирма биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **243-модда биринчи қисмининг 18-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18) қимматбаҳо металлардан ишланган банк ва ўлчовли қуймаларини, қимматбаҳо металлардан ишланган қуйма (инвестиция) тангаларни (нумизматика мақсадлари учун фойдаланиладиган тангалардан, шунингдек қимматбаҳо металлардан ишланган чет эл тангаларидан ташқари), заргарлик буюмларини, қимматбаҳо металларни ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган парчаларни ва чиқиндиларни, қимматбаҳо металларнинг ўлчов пластиналари ва гранулаларини, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларни, шунингдек қимматбаҳо металлардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган ярим тайёр маҳсулотларни»;

5) **312-модданинг иккинчи қисми** «тарафлар имзолаганидан кейин» деган сўзлардан кейин «2-коэффициент қўлланилган ҳолда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **378-модда 16-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш (ўзининг, шунингдек йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўлов»;

7) **483-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ҳунарманд» уюшмасининг аъзоларига берилган солиқ имтиёзлари «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг аъзолари бўлган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан 2023 йил 1 мартга қадар бўлган давр учун татбиқ этилади.

Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган Ўзбекистон Республикасида ўхшаши ишлаб чиқарилмайдиган илмий-лаборатория асбоб-ускунаси, реагентлар ва сарфлаш материаллари 2024 йил 1 январга қадар бўлган давр учун қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилади».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 4-моддаси 7-банди учинчи хатбошисининг қоидалари 2021 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 14 октябрь
№ ЎРҚ—722

Евроосиё аёллар форуми:

# ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧУН ҲАР ТОМОНЛАМА МАНФААТЛИ БЎЛМОҚДА

1 Бу барқарор иқтисодий ривожланиш ва глобал иқлим кун тартиби, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш, таълимга инсон ҳаёти давомида ҳамроҳ бўладиган жараён сифатида янгича ёндашиш, янада адолатли ва мувозанатли тамойилларга асосланган ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимларини яратиш жараёнларида яққол намоён бўлмоқда.



Форумнинг "Хотин-қизлар: янги воқеликдаги глобал миссия" ялпи мажлисини Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси Раиси Валентина Матвиенко очди.

Унинг сўзларига кўра, бошқа замонавий таҳдидлар қаторида иқтисодий қуршов ва санкциялар амалиёти, жиддий ижтимоий муаммолар, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қийинчиликлар ҳам бор. COVID-19 пандемияси бу муаммоларни янада кескинлаштирди. Аёллар глобал муаммоларни ҳал қилишда фаол қатнашишлари керак.

Шунингдек, форум доирасида стратегик ва эксперт сессиялари, мунозара майдончалари, давлат-хусусий ва бизнес мулоқотлари ташкил этилди.

## Ҳамкорлик истиқболлари кўрилди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева форум доирасида Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Федерация Кенгаши Раиси В. Матвиенко билан учрашди.

В. Матвиенко Президент Ш. Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, бўлажак сиёсий воқеа — Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш жараёнини юқори баҳолади.

Учрашувда томонлар янги соҳаларни қамраб оладиган Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилишди.

— Муносабатларимизни юқори даражага олиб чиқишдан манфаатдормиз ҳамда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ниятидамиз, — деди В. Матвиенко.

— Россия Ўзбекистоннинг ишончли ва вақт синовидан ўтган стратегик шериги ҳисобланади, муҳими, икки томонлама муносабатларимиз фаол ривожланмоқда, — деди Т. Норбоева. — Парламентларимиз аъзолари ўртасидаги мулоқот фаоллашиши, албатта, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп қиррали ва узоқ муддатли ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга катта ҳисса қўшади. Икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик ҳамда таълим ва бошқа соҳалардаги муносабатларда аёллар ролини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Учрашувда парламентлараро ҳамкорликнинг истиқболлари ва халқаро платформалар, хусусан, МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси доирасидаги ўзаро ҳамкорлик, шу жумладан, ПА Кенгаши, Ассамблеянинг ялпи мажлиси ва ёшлар мажлисини 2022 йилнинг кузида Ўзбекистонда ўтказиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

## Хотин-қизлар тадбиркорлиги — иқтисодиёт драйвери

Сенат Раиси "БМТ-Аёллар" тузилмаси томонидан ташкил этилган "Аёллар тадбиркорлиги ақлли иқтисодиётнинг пойдевори сифатида: барқарор ва тенг ечим" деб номланган махсус сессияда нутқ сўзлади.

Мазкур тадбир аёл тадбиркорлар дуч келаётган ва иқтисодиётни тиклаш, маҳаллий ва глобал иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш жараёнида уларга тўла иштирок этиш имконини бермаётган чеклов ва қийинчиликларни муҳокама қилиш учун амалиётчилар, экспертлар ва сиёсатчиларни бирлаштирди. Сессия иштирокчилари инновацион ғоялар билан танишишдан ташқари, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашадиган ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар билдиришди. Эътиборлиси, ушбу сессия ишини 300 мингга яқин кишилар онлайн режимида кузатиб борди.

Ўзбекистон парламенти юқори палатаси раҳбари ўз нутқида жаҳон аҳолисининг ярмини ташкил этувчи аёллар эркаклар сингари иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги ҳамда иқтисодиёт хотин-қизлар иштирокисиз ўз салоҳиятини тўла рўёбга чиқара олмаслигини таъкидлади. Зеро, ҳозирги пандемия даврида аёллар иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш долзарб вазифага айланди.

— Аёллар тадбиркорлиги, хусусан, улар раҳбарлик қилаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари қўллаб-қувватланиши ҳамда рағбатлантирилиши пандемиядан кейин иқтисодиётни тезроқ тиклашга, ижтимоий интеграцияга, қашшоқликни камайтиришга ва умуман, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга кўмаклашади, — деди Т. Норбоева.

Сессия иштирокчилари Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар билан таништирилди.

Қайд этилганидек, мамлакатда 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинган, амалий ёрдам кўрсатувчи хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари фаолият кўрсатмоқда, у ерда аёллар касбга қайта тайёрланмоқда ва иш билан таъминланмоқда. Шу билан бирга, яқинда ташкил этилган, устав капитали 96 миллион АҚШ доллари бўлган Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ва унинг доирасида тадбиркор аёллар лойиҳаларини имтиёзли кредитлаш дастури ишга туширилгани айтиб ўтилди.

Тадбирда БМТ кўмагида 2020 йилда ташкил этилган Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти фаолияти хусусида ҳам сўз борди. Жумладан, бу йилги мулоқотга раислик қилиш доирасида Ўзбекистон томони ушбу тузилмани минтақа хотин-қизлари ўртасида ҳар томонлама амалий ҳамкорликни ривожлантиришга, улар ўртасида минтақавий ва икки томонлама тадбиркорлик алоқаларини йўлга қўйишга қаратилган маслаҳат ва тажриба алмашиш платформасига айлантириш ниятида. Зотан, бу платформа ҳозирдан бошлаб ўз натижаларини бермоқда. Масалан, минтақа ишбилармон аёллари ўртасида 20 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган ҳамкорлик шартномалари ва меморандумлар имзоланди.

Т. Норбоеванинг сўзларига кўра, шу йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида Марказий Осиё ишбилармон аёллари мунозара клубини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Шу орқали минтақа тарихида биринчи марта Марказий Осиё мамлакатлари ишбилармонлари, таклиф қилинган халқаро экспертлар кўмагида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича фикр ва тажриба алмашиш ҳамда савдо-сотиқни ривожлантириш, инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ масалаларни кенг муҳокама қилиш учун мулоқот майдони яратилади.

— Бу Марказий Осиё мамлакатлари тадбиркор аёллари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ва амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилиши билан эътиборга молик, — деди Сенат Раиси.

**Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.**

Тақдимот

## «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ» КИТОБИ

### НАФАҚАТ МАҲАЛЛИЙ, БАЛКИ ЧЕТ ЭЛЛИК МУТАХАССИСЛАР ВА ЭКСПЕРТЛАР УЧУН ҲАМ МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида "Янги Ўзбекистон стратегияси — миллий ривожланиш стратегияси" мавзуида илмий-амалий видеоконференция бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати ва мазкур университет ҳамкорлигида Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон стратегияси" китоби тақдимотига бағишлаб ўтказилган тадбирда янги Ўзбекистон ва учинчи Ренессанс концепцияси доирасида янги жамият ва давлат қуриш асосларини яратишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар чуқур таҳлил қилинди.

Баҳс-мунозаралар мазмун-моҳиятини асар замиридаги асосий ғоя ҳамда қарашлар белгилаб берди. Шуъба йиғилишларида "Янги Ўзбекистон стратегияси": моҳияти ва тамойиллари", "Миллий иқтисодиёт ривожланиши", "Адолатли ижтимоий сиёсат ва маънавий тараққиёт", "Ўзбекистоннинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати ҳамда умуминсоний муаммолар" мавзулари муҳокама марказида бўлди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари, ЖИДУ ректори Содиқ Сафоев мамлакатнинг янги имижини шакллантириш ва республика раҳбариятининг халқаро майдондаги қизғин ва самарали саъй-ҳаракатларининг асосий масалаларига тўхталиб ўтди. Хусусан, Ўзбекистон томонидан қисқа давр ичида эришилган ютуқ ва натижалар аниқ мисоллар асосида очиб берилди.

Иштирокчилар томонидан Марказий Осиё — янги Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги бош устувор йўналиш ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё ҳамкорлигининг янги шакллари масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўз навбатида, хорижлик қатнашчилар Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнлари ҳамда мамлакатнинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган очиқ ва изчил ташқи сиёсатга юқори баҳо берди.

Якунда қатнашчилар томонидан мазкур асар нафақат маҳаллий, балки чет эллик мутахассислар ва экспертлар учун ҳам муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирилди.

**«Халқ сўзи».**

# МЕҲНАТ СОҲАСИДА ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК ИНСТИТУТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

1 Эътиборли жиҳати, қонун лойиҳасида илк бор меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик институтининг жорий этилиши белгиланмоқда. Бу, ўз навбатида, иш берувчи ва ходимлар, уларнинг вакиллик органлари ўртасидаги муносабатларда ўзаро манфаатлар мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

Лойиҳада, шунингдек, хизмат текшируви жараёнининг жорий этилиши кўзда тутилмоқда. Бу иш берувчи томонидан ходимга нисбатан интизомий жазо қўллаш жараёнида ҳақиқатни, яъни ходимнинг айби бор ёки йўқлигини аниқлаш орқали адолатли қарор чиқаришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасидаги энг муҳим янгиликлардан яна бири — бу дам олиш куни ишланмайдиган байрам кунига тўғри келган тақдирда, дам олиш куни байрамдан кейинги кунга кўчирилиши белгиланаётганидир. Бу дегани, қонунчиликда белгиланган байрам кунлари агар якшанба кунига тўғри келса унда душанба куни дам олиш кунига қўшиб берилади.

Депутатларнинг фикрича, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг қабул қилиниши билан ходимлар ва иш берувчилар манфаатларининг мувозанати таъминланади, уларнинг ижтимоий ҳамкорликка жалб қилиниши ортиб, томонларнинг меҳнат натижадорлигига қизиқиши рағбатлантирилади.

Узоқ давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг халқ вакиллари томонидан берилган таклифлар инобатга олиниб, қонун лойиҳаси учинчи ўқишда ҳам қабул қилинди.

# ЭНДИ ФУҚАРОЛАР ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА ОРҚАЛИ МУРОЖААТ ҚИЛИШИ МУМКИН



*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.*

*Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан мазкур қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқишга бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди. Унда қуйи палата депутатлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Мактабгача таълим вазирликлари масъуллари ҳамда журналистлар иштирок этди.*

## Қонун лойиҳаси — муҳокамада

Хўш, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга нима зурурат туғилди? Мурожаатлар билан ишлашнинг амалдаги тизими аҳолининг мавжуд муаммоларини тўлиқ қамраб олиш ва тезкорлик билан ҳал қилиш имконини бермаяптими?

Депутатларнинг айтишича, амалдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган. Унда жамоавий мурожаатга таъриф берилмаган, қонун лойиҳасида жамоавий мурожаат бир ёки бир нечта масала бўйича учтадан кам бўлмаган шахснинг мурожаати деб очиб берилмоқда. 9-моддада жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тартиби белгиланган бўлиб, давлат органлари ташкилотлари раҳбарлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш киритилган.

Бугун ҳаёт шиддат билан ўзгармоқда, одамларнинг талаблари, истаклари ўзгармоқда. Демак, замон билан ҳамқадам бўлиш, керак бўлса, ундан бир қадам олдинда юриш лозим.

— "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган эзгу тамойил давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавжуда Ҳасанова. — Айниқса, жойларда барча даражадаги раҳбарлар билан юзма-юз мулоқотлар ва сайёр қабуллар йўлга қўйилгани одамларда муаммоларини ҳал қилиш мумкинлигига катта умид ва ишонч уйғотди. Аммо ҳозирги давр мурожаатлар билан янгича тизимда ишлашни тақозо этаётгани сабабли бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қайд этилганидек, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий тажрибалар, хусусан, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Беларусь, Қирғизистон, Озарбайжон Республикаларининг ушбу соҳани тартибга солувчи қонун нормалари ўрганиб чиқилган. Қонун лойиҳасига кўра, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг бир нечта моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда.

2020 йилда коронавирус пандемияси туфайли кўп ташкилотлар масофадан ишлаш тизимига ўтган эди. Қонун лойиҳасида фуқароларни видеоконференцалоқа орқали қабул қилиш тартиби киритилмоқда. Бу, ўз навбатида, икки томонлама мулоқотни йўлга қўйишга имконият беради.

Йиғилишда қонун лойиҳаси ишчи гуруҳ томонидан қизғин муҳокама этилиб, депутатлардан келиб тушган таклифлар асосида янада такомиллаштириладиган бўлди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASI

# 2017 — 2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ПАРЛАМЕНТ НИГОҲИДА






**Равшан МАМУТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.**

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича жами ерлар 44 892,4 минг гектарни ташкил этади. Улардан фойдаланиш мақсади ва тартибига кўра бир қанча тоифа — қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга ҳамда табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган ерлар, аҳоли пунктларининг ерлари, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларга бўлинади.

Республика ҳудудининг 53,6 фоизини, яъни 24057,1 минг гектарини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ташкил этади, шундан экин ерлари 3988,4 минг гектар, кўп йиллик дарахтзорлар 400,1 минг гектар, 45,3 минг гектар бўз ерлар, 14983,5 минг гектар яйловлардан иборат.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 20 236,3 минг гектар. Уни кенгайтириш бўйича 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида салмоқли ишлар бажарилди.

Хусусан, 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси нормалари ўзгартирилиб, охирги беш йилда мазкур кодексга бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Унга кўра, жойларда тадбиркорлик субъектларидан ортиқча ҳужжат талаб қилмаслик, коррупцион ҳолатларни ҳамда ортиқча оворагарчиликларни бартараф этиш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимларининг ер участкаларини ажратишга оид қарорлар қабул қилиш ваколатлари, шунингдек, ер участкаларини бериш масаларини кўриб чиқувчи туман (шаҳар), вилоят, республика комиссиялари фаолияти бекор қилинди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни юридик ва жисмоний шахсларга ижарага очиқ электрон танлов орқали бериш амалиёти жорий қилиниб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга иккиламчи ижарага бериш (уларни учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз) нормаси киритилди.

Сир эмаски, томорқа хўжалигининг амалдаги ҳолати — кечиктириб бўлмас ислоҳотлар ўтказишни талаб этаётганди. Лекин бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш борасида жуда катта экспорт салоҳиятига эга бўлган томорқа хўжалиги имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётгани ҳам айни ҳақиқат. Бу борада жорий йилнинг 1 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Томорқа хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни соҳанинг янги даврини бошлаб берди.

Айтиш жоизки, мазкур қонунда томорқа ер эгалари учун бир қатор енгилликлар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Хусусан, ҳужжатга мувофиқ, томорқа хўжалигини юритиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш имконини беради.

Шу йилнинг 1 апрелида қабул қилинган "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонунда эса 18 ёшга тўлган, муомалага лаёқатли бўлган, ўзига деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида берилган Ўзбекистон фуқароси ёки мамлакатимиз ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахс деҳқон хўжалиги бошлиғи бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер муносабатлари соҳасида қонунийликни таъминлаш бўйича амалга оширилган кенг қамровли ишлар натижасида республикада жами 1,5 миллион гектар майдонда 366 та агрокластер ва кооперация корхоналари ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларнинг 2019 йилда 72,5 минг гектари, 2020 йилда 89,3 минг гектари қайта фойдаланишга киритилди. 2016 — 2020 йиллар давомида 346,5 минг гектар суғориладиган ерлардаги пахта ва ғалла майдони қисқартирилиб, мазкур майдонларда экспортбоп, юқори даромадли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш йўлга қўйилди.

Шунингдек, иқтисодий жиҳатдан самарасиз деб топилган 54,6 минг гектар боғлар, 26,2 минг гектар токзорлар реконструкция қилинган ҳолда, фермер хўжаликлари ва кластерлар томонидан қиймати 6,7 триллион сўмлик 38,5 минг дона қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари харид қилинди.

Охирги беш йилда суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш мақсадида мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш натижасида 1 миллион 227 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришилди. Ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш натижасида 1 миллион 440 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти яхшиланди.

Қишлоқ жойларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами билан ишлашда кам таъминланганларни моддий қўллаб-қувватлашдан ташқари уларни муҳтожлар сафидан чиқариш бўйича комплекс ёндашувга ўтилди. Жумладан, 2021 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ғалладан бўшаган 62,4 минг гектар ер майдони 160 минг 449 нафар эҳтиёжманд оилага 20 — 50 сотихдан бўлиб берилди. 758 мингдан ортиқ кам таъминланган оилаларга томорқасидан унумли фойдаланишга кўмаклашилди.

Мухтасар айтганда, кейинги йилларда ер ресурсидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер муносабатлари соҳасида қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Шундай экан, умуммиллий бойлигимиз бўлган ерни асраш, унинг ҳар қаричидан самарали фойдаланиш ҳам инсоний, ҳам фуқаролик бурчимиздир.

## Халқаро медиахолл:
# ОЧИҚЛИК, ТЕЗКОРЛИК ВА ҲАҚҚОНИЙЛИК ТАМОЙИЛЛАРИГА МОС ПЛАТФОРМА

*Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — 2021 йил 24 октябрда ўтказиладиган Ўзбекистон Президенти сайловига ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Дунё тажрибасидан маълумки, сайловларнинг шаффоф, адолатли ва холисона ўтказилиши, аввало, демократик қадриятлар устуворлиги, оммавий ахборот воситалари эркин фаолияти билан бевосита боғлиқ.*




Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини халқимизга ва халқаро жамоатчиликка тезкор, холис ва ҳаққоний тарзда етказишга кўмаклашиш мақсадида 60 та лойиҳани ўз ичига олган "Янги Ўзбекистон. Янги нигоҳ" медиадастури қабул қилинган эди.

Мазкур дастур доирасида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда Халқаро медиахолл ташкил этилди.

Ёшлар ижод саройида фаолият олиб борадиган ушбу медиахолл фаолиятини йўлга қўйишдан асосий мақсад Президент сайловини холис ва ҳаққоний ёритиш, муҳим сиёсий тадбир жараёнлари ҳақида халқимиз ҳамда дунё ҳамжамиятини мунтазам равишда, тезкор ва холисона хабардор қилиб боришдан иборат.

Медиаплатформада маҳаллий ва халқаро оммавий ахборот воситалари ходимлари учун турли брифинглар, матбуот анжуманлари ўтказиш, сиёсий партиялар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, халқаро кузатувчилар билан учрашувлар ташкил қилиш, интервьюлар ва турли кўрсатувларни суратга олиш учун барча шароит яратилди.

Бу ерда мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг дастурлари тақдимоти, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, экспертлар иштирокида юртимизда сўнгги йилларда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилган ишлар юзасидан мулоқотлар, долзарб мавзудаги баҳс-мунозаралар, ёш журналистлар ва блогерлар иштирокида турли брифинглар, маҳорат дарслари, қизиқарли танловлар, умуман, 40 дан ортиқ тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Халқаро медиахолл тадбирларида 5 минг нафардан зиёд иқтидорли, фаол ёшлар, ижодкор талабалар, ёш мутахассислар иштирок этиши кутилмоқда. Шунингдек, медиахолл кун тартибидан концертлар, фильм тақдимотлари, қатор маданий дастурлар ҳам ўрин олган.

Тадбир давомида медиахоллнинг мақсад ва вазифалари, ундаги қулайликлар ва яратилган имкониятлар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Халқаро медиахолл ўз фаолиятини 2021 йилнинг 26 октябрига қадар давом эттиради.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЮРТИМИЗДА ЭМЛАШНИНГ ТЕНГ ВА АДОЛАТЛИ ТИЗИМИ ЯРАТИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича парламент комиссиясининг йиғилиши ўтказилди. Унда коронавирусга қарши профилактик эмлаш тадбирларини сифатли ташкил қилиш, санитария-эпидемиология хизмати фаолияти самарадорлигини янада ошириш борасида бажарилаётган ишлар муҳокама қилинди.*

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

Мамлакатимизда аҳолини COVID-19га қарши эмлаш шу йилнинг 1 апрель кунидан бошланиб, босқичма-босқич, тизимли равишда олиб борилмоқда. Бу борада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилиб, ҳозирда юртимиздаги 3 минг 138 та эмлаш пункти ва 862 та ҳаракатдаги бригада томонидан эмлаш ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Йиғилишда бугунги кунга қадар мамлакатимизга жами 28 миллион 487 минг 988 доза коронавирус инфекциясига қарши вакцина олиб келингани ва тақсимот орқали тарқатилгани қайд этиб ўтилди. Шундан сўнг Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Уларнинг маълумотига кўра, мамлакатимизда 18 ёшдан юқори бўлган эмланувчилар сони 21 миллион 455 минг 214 нафарни ташкил этиб, бугунги кунга қадар ушбу контингентга жами 22 миллион 956 минг 58 доза вакцина қўлланилди. Шундан "ZF-UZ-VAC 2001" вакцинасининг 81,5 фоизи, "AstraZeneca" вакцинасининг 78,5 фоизи, "Спутник V" вакцинасининг 62,4 фоизи, "Moderna" вакцинасининг 92,7 фоизи ҳамда Pfizer вакцинасининг 36,6 фоизи ишлатилган.

Таъкидланганидек, аҳолига кўрсатилаётган санитария-эпидемиология хизмати сифатини янада ошириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш масалалари бугунги кунда устувор аҳамият касб этади. Йиғилишда бу борада амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бирга, мамлакатимизда коронавирусга қарши қўлланилаётган вакциналар ва уларнинг ҳимоя даражаси ҳақида кенг жамоатчиликка илмий асосланган маълумотлар етказиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини фаоллаштириш зарурлиги айтилди.

Парламент комиссияси аъзолари томонидан сўнгги кунларда касалланиш ҳолатлари болалар, хусусан, мактаб ўқувчилари орасида ҳам тарқалаётганлиги билан боғлиқ масалага алоҳида эътибор қаратилиб, таълим муассасаларида санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўриш лозимлиги қайд этилди.

Комиссия йиғилишида коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари ҳамма жойда ҳам самарали ташкил қилинмаганлиги, эмланиши керак бўлган аҳоли қатламининг барчаси бу жараёнга жалб этилмаганлиги танқид остига олинди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Ш. Назаровнинг таъкидлашича, парламент комиссияси томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига асосан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича ислоҳотларни молиявий манбаалар билан таъминлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш борасида қуйи палата депутатлари томонидан тизимли назорат олиб борилмоқда.

Хусусан, коронавирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш ишлари учун 2021 йил Давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилиши борасида Молия вазирлиги билан доимий иш олиб борилди. Айни пайтда ушбу 3 триллион сўм маблағ тўлиқ ўзлаштирилди. Шунингдек, яна қўшимча ажратилган 1,3 триллион сўм маблағнинг жойларга ўз вақтида етказилиши ва мақсадли ишлатилиши устидан депутатлик назорати олиб борилмоқда. Бугунги кунда ажратилган мабалағнинг 800 миллиард сўми ўзлаштириб бўлинди. Маблағнинг шакллантирилиши, жойларга ўз вақтида етказилиши ва мақсадли фойдаланиши ҳолати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилишларида мунтазам муҳокама қилиб борилаётир.

Йиғилишда аҳолини коронавирусга қарши эмлаш ишларининг ўз вақтида ва сифатли олиб борилиши устидан таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича чоралар белгилаб олинди.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

# БАРЧА МАСАЛАЛАР ҚЎМИТАЛАРДА ҚИЗҒИН КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

← 1

Шунингдек, тадбирда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссияси раислари томонидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашда маҳаллий Кенгашларнинг ўрни, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари билан биргаликда туман (шаҳар) ҳокимлари, секторлар ҳамда мутасадди идоралар раҳбарларининг хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини қўшма мажлисларда эшитиб бориш ҳолати чуқур таҳлил этилди.

* * *

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси йиғилишида дастлаб "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бу ҳужжат билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг сувга доир муносабатни тартибга солиш бўйича ваколатлари кучайтирилмоқда ҳамда сув истеъмолчилари уюшмаларининг фаолияти ўз аъзоларининг йиллик бадали, шартнома асосида сувни етказиш ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, фойдаланувчилар мажбуриятлари қаторига рақамли технологияларни жорий қилиши шартлиги киритилаётир. Корхона, ташкилот, муассаса ҳамда фуқароларга сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналари режимини бузиш тақиқланмоқда.

Тадбирда ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш борасида бажарилган ишларнинг Андижон вилоятида ўрганиш натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Бу борада вилоятда салмоқли ишлар амалга оширилган. Масалан, 2021 йил 8 июндаги "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони ҳамда 2021 йил 27 августдаги "Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши тузилган. Айни пайтда тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ваколатли идоралар билан келишиш учун 6 минг 143 та 146,6 гектардан иборат ер участкалари "YERELEKTRON" ахборот тизимига киритилган.

Аммо камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, улардан мақсадсиз фойдаланиб келинаётган ҳолатлар тўғрисида Кадастр агентлиги Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи томонидан вилоят кенгашига уч маротаба маълумот тақдим этилган. Шунингдек, ер участкаларини бериш бўйича ҳужжатларни тўплаш, кўриб чиқиш ва унга киритилган ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан келишиш тартиб-таомилини амалга ошириш учун автоматлаштирилган ахборот тизими яратилмаган. Вилоятда 491 ҳолатда 48,4 гектар майдонда қонун бузилиши аниқланган бўлиб, шундан 218 та ҳолатда 11,8 гектар майдонга ноқонуний қурилишлар қилингани ҳам жиддий камчиликлардан бири сифатида кўрсатиб ўтилди.

*Йиғилишларда кўрилган масалалар юзасидан парламент юқори палатаси қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби жамоаси Судьялар олий мактаби ходими

**Захидулло ХИДИРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 30 471 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.00 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6